



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 230 (12.291)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МАНЗУР МАҲСУЛОТЛАР

Дастурхонимиз кўрки бўлмиш сифатли ва мазали нон маҳсулотлари билан шаҳримиз дўконларини таъминлашда «Тошкент-нон» нон ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси катта ўрин тутди.

Хозирда ассоциация таркибида 40 та нон ишлаб чиқарадиган корхона мавжуд бўлиб, «Нонаш» масъулияти чекланган жамияти турдош корхоналар орасида пешқадамлардан ҳисобланади. Корхонада ҳар ойда ўртача 2,5 тонна нон, қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари хуштаъмлиги, арзонлиги билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

— Бизнинг корхонамиз шаҳар аҳолисини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашда 2008 йилдан буён ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётди, — дейди корхона бош устаси Дилфуза Умарова. — 40 дан ортиқ иш ўрнига эга корхонамизда айни вақтда 14 хилдаги маҳсулотлар тайёрланиб, эл дастурхонига етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, темир моддаси билан бойитилган ундан шифобахш нон ҳамда нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Лабораториямизда ун ва нон маҳсулотларининг сифати қатъий назоратга олинган. Тозалик ва гигиена қоидаларига, ёнги хавфсизлиги талабларига риоя қилиш доимий эътиборда.

Корхонада Германияда ишлаб чиқарилган, ҳамир тайёрлашдан то маҳсулот пи-

шиб этилгунигача бўлган барча юмушларни автоматик тарзда бажарадиган замонавий технология узлуксиз фаолият кўрсатади. Ушбу печларнинг ҳар бирида бирийўла 140 дона нон ёки 15-20 килограмм атрофида пишириқлар тайёрлаш мумкин. Айни вақтда корхона маҳсулотлари шаҳримиздаги дўконларга, шифоналар ва таълим-тарбия муассасаларига пешма-пеш етказиб берилмаётди.

— Ҳар бир маҳсулотнинг ўз тайёрлашни муддати бор, — дейди ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Бахтиёр Тожибоев. — Мисол учун жавдур нондан тайёрланадиган қора нон турига қараб ярим соатдан бир соатгача, пишириқлар эса йигирма дақиқадан ортиқ фурсатда тайёр бўлади. Биласизми, гул ифори ҳаммага ёқади. Аммо оламда яна бир буйборки, у ҳар қандай гулникдан ҳам муаттароқдир. Ер узининг барча жойида бир хил тараладиган ва каттаю кичикни бирдек ўзига жалб этувчи, бу нон исидир. Зотан, инсон учун нондан азиз неъмат йўқ. Мамлакатимиз, оиламиз фойда баракаси ҳамда ҳар бир инсоннинг насибаси бутун бўлиши учун нон тайёрланганимиздан фахлланамиз.

Фаррух БАХРОМОВ

Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқич баҳслари бошланди.

Халқаро шахмат федерацияси, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур нуфузли мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, маънавий етук этиб тарбиялашнинг муҳим воситаси сифатида спорт жадал ривожланаётгани алоҳида таъкидланди.

— Ўзбекистонда спорт таълим-тарбия жараёнининг узвий қисмига, айлангани таҳсинга лойиқ, — деди Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) президенти Кирсан Илюмжинов. — Ўзбек шахматчиларининг халқаро майдондаги галабалари юртингизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Олти халқаро турнирдан иборат ФИДЕ Гран-приси 2014 йили бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасидир. 2012-2013 йилларда ўтказиладиган ушбу

ТОШКЕНТДА ШАХМАТ БАЙРАМИ

турнирда умумий ҳисобда 18 нафар энг кучли шахматчи иштирок этади. Ҳар бир босқичда 12 нафардан шахматчи ўйнайди. Шу тариқа, 18 нафар шахматчининг ҳар бири Гран-при сериясидаги тўрттадан турнирда қатнашади. Яқунда энг кўп балл жамғарган икки нафар шахматчи номзодлар турнирига йўлланма олади.

БРЮССЕЛДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон делегациясининг аъзолари, Бельгиянинг жамоатчилик, сиёсий, эксперт, ишбилармон доиралари ҳамда Европа Иттифоқи, НАТО, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия корпуси ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.



Тадбир чоғида унинг қатнашчилари эътибори мустақил ривожланиш йиллари давомида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида эришилган муваффақиятларга қаратилди. Брифингда демократик ҳуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги устуворлигини, шунингдек, тинчлик ва ҳамжихатликни таъминлаш сингари мақсадларга эришишнинг ҳуқуқий кафолати бўлган Ўзбекистон Конституцияси мамлакат тараққиёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилаётгани хусусида сўз борди.

Унда Ўзбекистон ўзи танлаган ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт йўли, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган ислохотларнинг «Ўзбек модели»ни бошқичма-бошқич ҳаётга татбиқ этиш давомида эришилган муваффақиятлар демократик ўзгариш ва янгиланишларнинг асоси эканлиги ҳамда улар мамлакатимиз Конституцияси меъёрларига тўла мос келиши қайд этилди.

Брифингга сўзга чиққан **Ўзбекистон Республикаси адлия вазирини Нигматилла Йўлдошев** мустақил Ўзбекистон Конституцияси сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳаётнинг барча соҳаларини, шунингдек, мамлакат ташқи сиёсатининг ҳуқуқий бошқарилиши тамойилларини қонун йўли билан мустаҳкамлагани ва у қонун ижодкорлиги фаолияти учун асос ҳамда миллий ҳуқуқий тизимнинг ўзига бўлиб қолганини алоҳида таъкидлади. У ўтган 20 йил мобайнида Конституцияга мувофиқ кўпгина қонунчилик актлари қабул қилинган, халқаро меъёрларнинг миллий қонунчиликда қўлланилиши механизми яратилган, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими шаклланиган, шунингдек, 200 дан зиёд кўп томонлама халқаро шартномалар ратификация қилинганини айтди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

қўмитаси раиси **Акмал Саидов** ўз чиқишида мамлакатимиз Конституциясининг шаклланиши ва ривожланиши масалаларига алоҳида тўхтади.

У Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон Конституциясининг ишлаб чиқилиши, муҳофизат этилиши ҳамда қабул қилинишидаги ўзига хосликлар ҳақида фикр юритар экан, Конституциявий комиссия томонидан ишлаб чиқилган мазкур муҳим ҳужжат лойиҳаси кенг халқ муҳокамасидан ва халқаро ташкилотлар ҳамда ривожланган демократик мамлакатларнинг экспертлари томонидан ижобий баҳоланганидан кейин қабул қилинганини, Ўзбекистон Президенти мамлакатимиз Асосий қонунининг ташаббускори ва муаллифи бўлиб қолганини таъкидлади.

Қайд этилганидек, Конституция ривожланишининг биринчи босқичида ижро ҳокимияти кучайтирилди. Қонунчилик ҳокимиятини мустаҳкамлаш, давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган қарорларнинг ишлаб чиқилишида сиёсий партияларнинг ролини ошириш, уларнинг ижросини, шунингдек, вазминлик ва маромийлик тамойилининг изчил ҳаётга татбиқ этилишини таъминлаш эса иккинчи босқич янгиланишининг асосий йўналиши бўлди.

Ўтган йиллар давомида мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида парламентнинг ролини кучайтириш масалаларига муҳим аҳамият берилгани, икки палатали парламентнинг яратилгани ҳамда давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг роли кучайгани бу фикрни тасдиқлаши алоҳида таъкидланди.

Брюссель Эркин университети профессори Жак Вилрокс мамлакатимиз хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Ўзбекистонда бўлган чоғида юртимизнинг мустақил тараққиёт йиллари давомида эришган муваффақиятлари билан танишиш ва уларни баҳолаш имкониятига эга бўлганини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, мамлакатда тарих ва замонавийлик ҳайратланарли даражада уйғунлашиб кетган, ўзбек халқи эса ўқимишли, ўзига ишонадиган, очик кўнгли халқдир.

(Давоми 2-бетда)

2014 йили ўтказиладиган номзодлар турнири жаҳон чемпионлиги учун курашиш имконини берадиган ягона мусобақадир. Унинг ғолиби амалдаги жаҳон чемпиони — ҳиндистонлик Вишванатан Ананд билан жаҳон шахмат тожи учун баҳслашади.

Гран-при босқичларига Лондон, Тошкент, Лиссабон, Мадрид, Берлин ва Париж шаҳарлари мезбонлик қилади. Пойтахтимизнинг Гран-при мезбонлари таркибига киритилиши бежиз эмас. Зеро, мамлакатимизда юқори нуфузли спорт анжуманларини юксак савияда ўтказиш яхши анъанага айланган. 2011 йили Тошкентда икки жаҳон чемпиони — Рустам Қосимжонов ва Вишванатан Ананд ўртасида ўртоқлик учрашуви ўтказилган. Ўзбекистоннинг шахмат борасидаги улкан салоҳиятининг ёрқин намояни бўлди. Ушбу тадбирда иштирок этган ФИДЕ президенти К.Илюмжинов ўзбек шахмати мактаби анъаналари ва спортчиларимиз салоҳиятини юксак баҳолаб, 2012 йилги мавсумда Тошкент шаҳрига юқори даражадаги мусобақа — Гран-при сериясидаги турнирни ўтказиш ҳуқуқи берилишини эълон қилган эди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмиталари томонидан қишлоқ хўжалигининг энг муҳим тармоқлари — балиқчиликни ва асаларичиликни ривожлантиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Адлия вазирлиги томонидан Бош прокуратура билан ҳамкорликда Конституциямиз қабул қилинганнинг 20 йиллиги олдида «Фуқаролар мурожаатини кўриб чиқиш: амалиёт ва муаммо» мавзусида амалий семинар ўтказилди. «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ижроси муҳокамасига бағишланган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашди.

● Самарқандда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази ташаббуси билан XVII «Воҳидов ўқишлари — 2012» илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда, мамлакатимиздан ташқари, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Польша, Босния ва Герцеговина, Россия, Украина, Беларусь каби ўнга яқин давлатлардан тиббиётчи олимлар қатнашди.

● Термиз шаҳрида «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» фаолиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда фаол фуқаролар, фахрийлар, ижтимоий масъул бизнес вакиллари иштирок этди. Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда хусусий секторни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

ЖАҲОНДА

● Нью-Йорк штати губернатори Эндрю Куомо октябр ойи охирида юз берган бузғунчи «Сэнди» тўфони оқибатларини бартараф этиш учун АКШ федерал маъмуриятдан 30 миллиард доллар миқдорида молиявий қўмак сўраши ҳақида баён қилди.

● Венесуэла шаҳрининг Канайма миллий боғида жойлашган Ангела шаршарасининг баландлиги 979 метрни ташкил этади. У маълум ва машҳур Ниагара шаршарасидан 15 баравар катта. Ҳар йили минглаб сайёҳлар томоша қиладиган ушбу шаршаранинг номи америкалик авиатор Джимми Ангела шарафига қўйилган. Боиси, у парвоз чоғида ушбу табиий сув иншоотини кашф этган.

● Швециялик 105 ёшли аёл почтадан у мактабгача таълим муассасасида машғулотларга қатнашни бошлаши мумкинлиги тўғрисидаги таклифнома олди. Яъни, Анна Эрикссонга жўнатилган хатда унга келаси йили 6 ёшга тўладиган болалар гуруҳида жой ажратилганлиги таъкидланган. Гап шундаки, Упсала маъмурий маркази ходимлари 2007 йилда туғилган болалар оилаларига хат жўнатаётганда хатого йўл қўйиб, 1907 йилда таваллуд топган аёлни ҳам боғчага таклиф этишган.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ 19-23 ноябрь кунлари Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва унинг ҳузурдаги «Оила — маҳалла —

таълим муассасаси» жамоатчилик кенгаши ҳамкорлигида пойтахтдаги барча умумтаълим мактабларида ота-оналар мажлислари бўлиб ўтмоқда.

✓ КЕЧА Тошкент Кимё-технология институтида Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси қабул қилинганнинг 20 йиллигига бағишланган «Конституция ва оилавий қадриятлар» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ ЭРТАГА Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Бандликни таъ-

минлашда ижтимоий шерикчилик» кўшма лойиҳаси доирасида «Ижтимоий шерикчилик: бир-бирига пешвоз чиқиш» мавзусидаги ОАВ ходимларининг ижодий танлови натижаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтади.

БРЮССЕЛДА БЎЛИБ ЎТГАН ТАДБИР МУҲИМ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши
1-бетда)

«Ўзбекистон бугунги кунда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, асосий қадриятлари ва устуворлиги инсон бўлган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан ишонч билан бормоқда. Мамлакатнинг Конституцияси давлат тараққиёти ва демократик ривожланишининг гаровидир», деди у.

Шунингдек, эксперт Ўзбекистоннинг ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, коррупция, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашга йўналтирилган изчил сайёҳаракатларига юқори баҳо берди. У Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизими ислохотларига кўмаклашиш» лойиҳасининг ҳаётига татбиқ этилиши жараёнларини ҳам ижобий баҳолади. Маълумки, мазкур лойиҳада Европа давлатларининг суд-ҳуқуқ тизимидаги илғор тажрибаси ўз аксини топади. Бельгиялик олимнинг таъкидлашича, минтақада ўта муҳим аҳамият касб этадиган Ўзбекистон демократик ўзгаришларни рўйбога чиқариш борасида салмоқли муваффақиятларга эришди.

Европа Халқаро муносабатлар институтининг Геосиёсат департаменти бош директори Пьер-Эммануэль Томанн мамлакатимизда жамиятни янада демократлаштириш масалаларига қаратилаётган эътибор хусусидаги фикрларини ўртоқлашди. У «Ўзбек модели» асосида мамлакат келажагини қураётган Ўзбекистоннинг ривожланиш жараёнларини диққат билан кузатиб боришини маълум қилди.

Европалек экспертнинг фикрича, таълим соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар мамлакат раҳбариятининг юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашга қаратаётган эътиборидан далолат берадики, улар ҳозирнинг ўзидаёқ давлат тараққиётига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшаётирлар.

Пьер-Эммануэль Томанн Ўзбекистоннинг барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган сиёсатида ҳам ижобий баҳо берди. Шу маънода эксперт мустақилликнинг 21 йили мобайнида мамлакат нафақат ўз хавфсизлигини таъминлагани, балки у бутун минтақа барқарорлигининг кафолати

бўлиб қолганини ҳам таъкидлади.

Шунингдек, европалек олим Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганидан буён эришилган муваффақиятлар демократик жамият қурилишига йўналтирилган чуқур ўйланган давлат сиёсатининг натижаси эканлигини айтди.

Бельгиялик эксперт, профессор Хилбрен Иеде Бойс «илғор хорижий тажриба ҳамда ўзбек халқининг бой тарихий ҳуқуқий мероси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Конституцияси мамлакатга дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашига имкон беришини» айтди.

Экспертнинг тасдиқлашича, мамлакат Асосий қонунида инсон ҳуқуқлари масалаларига устувор эътибор қаратилгани Ўзбекистоннинг демократия тамойиллари асосида ривожланишга бўлган содиқлигидан далолат беради. «Ўзбекистон Конституцияси замонавий демократик жамият қураётган кўпгина давлатлар учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин», деди у.

Тадбир иштирокчилари билдирган фикрларга қараганда, бўлиб ўтган брифинг Ўзбекистон Конституциясининг ўзбек халқи онгу шууниндан жой олганини, у эса мамлакат тараққиётини, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаш йўлидан боришини таъминлаётганини яққол намоён этди.

«Жаҳон» АА,
Брюссель

Маънавият тарғибот маркази Бектемир туман бўлими томонидан «Сувмаш» корхонаси «Ўзбектеатр», «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси, М.Қориёқубов номидаги академик халқ бадий жамоалари дирекцияси ходимлари иштирокида учрашув ташкиллаштирилди.

БОШ ҚОМУСИМИЗДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов, юридик фанлари номзоди Феруза Мухиддинова, «Нихол» мукофоти совриндори Сирожиддин Файзиёвлар иштирок этиб, Конституциямиз моддаларининг ҳаётийликнинг ҳар бир жаҳасидаги аҳамияти ҳамда Асосий қонунимиз асосида қабул қилинган муҳим қонунлар ва уларнинг амалдаги ижроси ҳақида батафсил тўхталиб ўтишди.

Жорий йилнинг «Мустақам оила йили» деб номланиши муносабати билан тад-

бирда оиладаги мустақамлик, ҳамжihatликнинг кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқлиги, шу боис аёлларнинг оқила, оиланинг тинч-тотувлиги учун ҳар нарсасига тайёр бўлиши, умуман ҳар томонлама илғор бўлиши лозимлиги ҳақида сўз юритилди.

Тадбир давомида «Нихол» мукофоти совриндори Сирожиддин Файзиёв ўзининг шўх куй-қўшиқлари билан иштирокчиларнинг дилларини хушнуд этди.

Хабиба ЙЎЛДОШЕВА

ТОШКЕНТДА ШАХМАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортга қаратилаётган эътибор самарасида кўплаб истеъдодли шахматчилар кашф этилмоқда. Ана шундай ёшларимиздан бири – Гулруҳбегим Тоҳиржонова 2011 йили Бразилияда ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида бронза медалга сазовор бўлди. Ҳиндистонда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган Осиё чемпионида голиб чиққан Нодирбек Абдусатторов яқинда Словенияда яқунланган жаҳон чемпионатида олтин медални кўлга киритди.

...Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида бошланган турнирда мамлакатимиз шарафини 17-жаҳон чемпиони, 2010 йилги Осиё ўйинлари голиби, 2011 йилги Марказий Осиё кубоги соҳиби Рустам Қосимжонов ҳимоя қилади. Шунингдек, бу босқичда россиялик шахматчилар – рапид бўйича жаҳон чемпиони Сергей Карякин, жаҳон шахмат олимпиадасининг уч карра голиби, жамоалар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Александр Морозевич, жаҳон кубоги голиби Пётр Свидлер, жаҳон кубоги соҳиби исроиллик Борис Гельфанд, 16-жаҳон чемпиони ва жаҳон шахмат олимпиадасининг икки карра голиби украиналик Руслан Пономарёв, блиц бўйича жаҳон чемпиони кубалик Леньер Домингес Перес, Осиё чемпиони хитойлик Ванг Хао, жаҳон шахмат олимпиадаси голиби озарбойжонлик Шахриёр Мамедъяров, жаҳон кубоги соҳиби, тезкор шахмат бўйича жаҳон чемпиони америкалик Гата Камский, Италия чемпиони Фабиано Каруана ва халқаро турнирлар голиби венгриялик Петер Лекко ўзаро баҳс юритади.

Ушбу йирик спорт байрами доирасида мамлакатимизнинг иқтидорли ёш шахматчилари учун Гран-при иштирокчилари томонидан маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини бошқариш институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ва Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси билан ҳамкорликда «Ижтимоий ҳамкорлик институтини социал-иқтисодий қўллаб-қувватлаш шакллари» мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Парламент комиссияси аъзолари, Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фондининг ижро аппарати ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вакиллари, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни лойиҳасида белгиланган ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида ижтимоий шериклик субъектларини социал-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, грант ва ижтимоий буюртмалар бериш, Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуни лойиҳасида белгиланган ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни



Транспорт

ҲАР ҚАНЧА ФАХРЛАНСА АРСИЙДИ

Кейинги йилларда шахримиз ҳаракат таркиби тубдан янгиланди. Улар янгиланиш билан бирга дунёда энг нуфузли автобус деб тан олинган «Мерседес-Бенц»лар билан тўлдирилди. Ўзбек ўғлонларига ана шундай автобусларда шахар аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатиш насиб этди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасидан олинган маълумотга кўра, атроф-муҳит ва экологияни соф ҳолда сақлашга мослаштирилган «Мерседес»лар сифати, кам ёқилга сарфланиши ва газ чиқиндиларини ҳавога кам чиқариши билан ҳам эътиборлидир.

Самарқандда ишлаб чиқарилаётган мўъжаз автобус «Исузу»лар билан эса ҳар қанча фахрланса арзийди. Автомашиналарни ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиёда ягона, дунёда эса 28 давлатдан бири сифатида тан олинган бугун Ўзбекистон халқи қатори ҳайдовчиларда ҳам гурур, ифтихор уйғотиш билан бирга янада кўтаринки руҳда ишлашни тақозо этади.

Бугунги кунда уюшмага қарашли 3-автобус саройи фаолиятида ҳам янгиланишга эришилди. «Мерседес-Бенц» автобусларининг кўпайиши муносабати билан таъмирлаш цехи фаолияти кенгайтирилди. Корхонанинг маъмурий бино ва цехлари туб таъмирдан чиқарилиб, ишчи-ҳодимларга қулайликлар яратилди. Бундан ташқари, таъмирлаш цехлари, автобусларнинг туриш жойлари усти ёпилди. Истиш қозонлари қайта таъмирланди, чилангарларнинг ювиниши жойлари иссиқ сув билан таъминланди. Бинобарин, пойтахтимиз кўчаларида қатнаётган «Мерседес-Бенц» автобуслари ана шу каби ҳар томонлама қулай стандартларга лойиқ сифатга эгадир.

Акбар АЛИЕВ

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНМОҚДА

кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўз навбатида, Олий Мажлиси ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тизимларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам эътиборга сазовордир. Мазкур комиссиянинг фаолияти фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларини янада очик, ошқора, аниқ йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимлашни таъминлаш имконини бermoқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустақ-

камлашга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Тадбир иштирокчилари ижтимоий шериклик субъектларини социал-иқтисодий қўллаб-қувватлашга оид бир қатор масалаларни муҳокама қилишди, ривожланган илғор давлатлар тажрибаси ва амалиётга тўхталиб ўтишди, шу билан бирга ижтимоий шериклик соҳасидаги амалий намуналарни тақдим этишди. Асосий эътибор «Ижтимоий шериклик соҳасидаги тадбирларни молиялаштириш шакллари ва механизмлари»га ҳамда «Давлат грантларини тақсимлашнинг самарадорлигини ошириш ва ижтимоий буюртмаларни жойлаштириш масалалари»га қаратилди.

Тадбир якунлари бўйича тегишли тақлифлар қабул қилинди ва қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар кўриб чиқилди.

Отабек ОТАЁРОВ

Қарор ва ижро

«БИР ДАРЧА» ТАМОЙИЛИ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон божхоначилари ўз фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб этаётгани туфайли мамлакатимиз иқтисодий суверенитетини таъминлашда божхона назорати самарадорлиги ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 ноябрда қабул қилинган «Экспорт операцияларини «бир дарча» тамойили бўйича амалга ошириш механизмининг босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан соҳани ривожлантиришнинг янги устувор йўналишлари белгиланган.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раҳбарлари журналистларга ушбу ҳужжатда қайд этилган қоидалар ижроси ҳақида сўзлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш.Хайруллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада кенгайтиришга доир зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлади. «Бир дарча» тамойилини жорий этиш орқали ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизмининг содда-лаштирилгани бунга ёрқин мисолдир.

Бу давлат божхона хизмати органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини олиш ва экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш каби жараёнларни анча енгиллаштириш имконини бермоқда. Бунинг учун ариза чиқариш ягона шаклини тўлдириб, уни зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда «бир дарча» тамойили бўйича экспорт тартиботларини расмийлаштириш жорий этилган ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида фаолият юритувчи манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ваколатли вакиллари тақдим этиши кифоя.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ Давлат божхона кўмитасининг 14 та ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида 2011 йилнинг 1 октябрдан «бир дарча» тамойили бўйича экспорт операцияларини амалга ошириш механизми синов тарихида босқичма-босқич жорий этилди. Ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари шу йилнинг 1 апрелидан электрон шаклдаги ҳужжатларни онлайн режимида тўлиқ тақдим этишни бошлади. Ушбу тизимнинг жорий этилиши натижасида тегишли органларда товарларни сертификатлаш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш вақти 15 кундан 3 кунгача, барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг божхона расмийлаштируви учун кетадиган вақт 10 кундан бир кунгача қисқарди. Бундан ташқари, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳужжатлардаги хатолар ва камчиликларни ташқи иқтисодий фаолият божхона постининг ўзида тузатиш имконига эга бўлди.

Куйидаги рақамлар ҳам «бир дарча» тамойилини жорий этишнинг иқтисодий самарадорлигидан далолат беради. 2012 йилнинг 31 октябрга қадар ташқи иқтисодий фаолият божхона постларида умумий қиймати қарийб 11 миллиард АҚШ доллари қийматига қадар икки мингдан ортиқ экспорт шартномаси ва 900 дан зиёд қўшимча битимлар рўйхатдан ўтказилди. Ташқи иқтисодий фаолият божхона постларидаги манфаатдор вазирликлар ва идоралар вакиллари томонидан 18 мингга яқин сертификат расмийлаштирилди.

Матбуот анжуманида мамлакатимиз божхоначилари фаолиятига жорий этилаётган бошқа ахборот-коммуникация технологиялари ҳақида ҳам ахборот берилди. Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

(ЎЗА)

ЖАҒАЛЫҚ АҒАМАРАЛАР

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
7.00 «Андерсен эртаклари. М/с»
7.25 «Кўнгли қўшиқ истади»
7.35 «Икким»
7.40 «Олам ва одам» дастури:
«Замин гаройботлари»
8.00 «Тахлилчи»
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
9.40 «Моҳир кўлар»
9.50 «Тонги газета». Т/с.
10.40 «Икким»
10.45 «Саломатлик сирлари»
11.00 «Ахборот»
11.10 «Ватанпарвар»
11.55 «Икким»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
12.50 «Кўнгли қўшиқ истади»
12.55 «Доктор Хаус». Т/с.
13.40 «Худодат сари»
14.00 «Ахборот»
14.35 Миллий кино: «Кичкина таби»
15.45 «Икким»
15.50 Жаҳон мусикаси хазинасида. Э. Григ.
16.45 «Икким» дарё оралигида.
17.00 «Ахборот»
17.10 «Юрган - дарё»
17.30 «Эртаклар - яхшиликка етаклар»
18.00 «Кўнгли қўшиқ истади»
18.10 «ТВ - шифокор»
18.15 «Ватан манзиллари»
18.35 «Ифтихор»
18.40 «Доктор Хаус». Т/с.
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Олтин мерос»
20.15 «Ой оғушдаги қўш» Т/с.
21.00 «Ахборот»
21.40 «Муносабат»
22.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари»
22.50 «Икким»
22.55 «Комиссар Рекс». Т/с.
23.40 «Олам ва одам» дастури:
«Замин гаройботлари»
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 «Юрган - дарё»
00.25 «Моҳир кўлар»
00.35 «Юртим бўйлаб» дастури:
«Қушлар»
00.50 «Кўнгли қўшиқ истади»
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 - 2.35 «Маънавият» дастури.
2.35 «Ватан манзиллари»
2.55 «Олтин мерос»
3.10 «Ассалом, Ўзбекистон»
4.00 «Ахборот»
4.40 Миллий сериал: «Умр манзаралари»
4.55 «Саломатлик сирлари»
5.30 «Икким» дарё оралигида.
5.50 - 5.55 «Очун»

15.50 «Конституция сабоқлари»
16.00 «Дар»
16.10 «Муъжизавий дунё»
17.00 «Баркамоллик йилдан»
17.20 «Дўстлик» Б/ф. 1-қисм.
18.30 «Ешлик наволари»
18.50 «UzEX»
19.00 «Дар»
19.30 «Изопар». Т/с.
20.20 «Сўлом оила»
20.40 «Конституция сабоқлари»
20.50 «Эртакчи болажонлар»
21.00 «Шамоллар мамлаката». Т/с.
22.00 «Дар»
22.30 «Коломбо». Т/с.
23.10 «Иход мактаби»
00.00 «Ватан меҳри»
00.10 «Ешлик наволари»
00.30 «Дар»
1.00 «Доктор Куинн». Т/с.
2.30 «Пазанда»
3.10 «Муъжизавий дунё»
4.10 «Кўзумчоқ»
4.40 «Шамолларда қолган ҳисларим». Т/с.
5.30 - 6.00 «Биз киммиз?»

01.30 «Анон»
01.35 «Бардош» Б/ф. /Рус тилида/
03.30 «Уйларим»
03.35 «Муҳаддима» Б/ф.
05.00 - 06.00 «Салом, Тошкент!»
Спорт
6.00 «Хайри тонг!»
6.05 Анон.
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.30 «Спортчилар оиласи»
7.00 «Мухаммад Али». Хужжатли фильм.
7.25 Боллар майдончаси:
«Спорландия»
7.50 Анон.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Саломат бўлинг!»
8.50 Анон.
8.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Ярим финал. «Пахтакор» - «Бунёдкор»
9.30 Анон.
10.40 Спорт - менинг ҳаётим»
11.10 Анон.
11.15 Футбол. Италия чемпионати.
«Милан» - «Ювентус»
12.95 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
19.20 «Бизнес-промо»
19.30 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
19.40 «Клон» т/с (168-қисм)
20.30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
20.50 «Бизнес-репорт» иқтисодий таҳлилий дастури
21.05 «Ой устида» курсатуви
21.30 «Бетмен» Б/ф премьераси
23.45 «Музыка вақти» дастури!
00.00 Тунги кинозал: «Три дня на беге» Б/ф
02.00 Тунингиз хайри бўлсин!

09.50 «Бизнес-промо»
10.00 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
10.10 «Кўларим» мавсум Б/ф
11.45 «Музыка вақти» дастури
12.00 «24. Ўзбекистон» ахборот блокчи
12.10 Кутилмаган томоша
12.20 Форум вақти
12.30 «Тошойна» курсатуви
13.00 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
13.10 «Адолат ҳимояси учун» Б/ф
15.00 «Форум хабарлари» курсатуви
15.20 Форум вақти
15.45 «Музыка вақти» дастури
16.00 «24. Ўзбекистон» ахборот блокчи
16.10 «Клон» т/с (167-қисм)
16.50 «Бизнес-промо»
17.00 «Хазина» теле-шоу викторинаси
18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади
18.10 Мультфильм
18.25 «Шерлок Холмс т/с (11-қисм)»
19.00 «Музыка вақти» дастури
19.20 «Бизнес-промо»
19.30 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
19.40 «Клон» т/с (168-қисм)
20.30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
20.50 «Бизнес-репорт» иқтисодий таҳлилий дастури
21.05 «Ой устида» курсатуви
21.30 «Бетмен» Б/ф премьераси
23.45 «Музыка вақти» дастури!
00.00 Тунги кинозал: «Три дня на беге» Б/ф
02.00 Тунингиз хайри бўлсин!

09.50 «Бизнес-промо»
10.00 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
10.10 «Кўларим» мавсум Б/ф
11.45 «Музыка вақти» дастури
12.00 «24. Ўзбекистон» ахборот блокчи
12.10 Кутилмаган томоша
12.20 Форум вақти
12.30 «Тошойна» курсатуви
13.00 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
13.10 «Адолат ҳимояси учун» Б/ф
15.00 «Форум хабарлари» курсатуви
15.20 Форум вақти
15.45 «Музыка вақти» дастури
16.00 «24. Ўзбекистон» ахборот блокчи
16.10 «Клон» т/с (167-қисм)
16.50 «Бизнес-промо»
17.00 «Хазина» теле-шоу викторинаси
18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади
18.10 Мультфильм
18.25 «Шерлок Холмс т/с (11-қисм)»
19.00 «Музыка вақти» дастури
19.20 «Бизнес-промо»
19.30 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
19.40 «Клон» т/с (168-қисм)
20.30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
20.50 «Бизнес-репорт» иқтисодий таҳлилий дастури
21.05 «Ой устида» курсатуви
21.30 «Бетмен» Б/ф премьераси
23.45 «Музыка вақти» дастури!
00.00 Тунги кинозал: «Три дня на беге» Б/ф
02.00 Тунингиз хайри бўлсин!

18.30 «Ешлик наволари»
18.50 «UzEX»
19.00 «Дар»
19.30 «Изопар». Т/с.
20.20 «Киноманла»
20.50 «Эртакчи болажонлар»
21.00 «Шамоллар мамлаката». Т/с.
22.00 «Дар»
22.30 «Коломбо». Т/с.
23.10 «Иход мактаби»
00.00 «Ватан меҳри»
00.10 «Ешлик наволари»
00.30 «Дар»
1.00 «Доктор Куинн». Т/с.
2.30 «Пазанда»
3.10 «Муъжизавий дунё»
4.40 «Шамолларда қолган ҳисларим». Т/с.
5.30 - 6.00 «Биз киммиз?»

Спорт
6.00 «Хайри тонг!»
6.05 Анон.
6.10 «Саломат бўлинг!»
6.30 «Баркамол авлод»
6.50 Анон.
6.55 «Мухаммад Али». Хужжатли фильм.
7.20 Анон.
7.25 Боллар майдончаси:
«Тонги гимнастика»
«Спорландия»
Мультфильм.
7.55 Анон.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Саломат бўлинг!»
8.30 Анон.
8.35 Сузиш. Европа чемпиони.
8.50 «Янги авлод» студияси намоиш этади
18.10 Мультфильм
18.30 «Шерлок Холмс» т/с (12-қисм)
19.00 «Музыка вақти» дастури
19.20 «Бизнес-промо»
19.30 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
19.40 «Клон» т/с (169-қисм)
20.30 «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури
20.50 «Бизнес-репорт» иқтисодий таҳлилий дастури
21.05 «25-қад» курсатуви
21.30 «Кўз афсоналари» Б/ф
23.45 «Музыка вақти» дастури
00.00 Тунги кинозал: «Фантастическая четверка» Б/ф
02.00 Тунингиз хайри бўлсин!

11.45 «Музыка вақти» дастури
12.00 «24. Ўзбекистон» ахборот блокчи
12.10 Кутилмаган томоша
12.20 Форум вақти
12.30 «Эндрейда қулдиради» курсатуви
13.00 «Жаҳон НТТ нигоҳида» информация блокчи
13.10 «Койлмақ ўйриги» Б/ф
15.00 «Форум хабарлари» курсатуви
15.20 Форум вақти
15.45 «Музыка вақти» дастури
16.00 «24. Ўзбекистон» ахборот блокчи
16.10 «Клон» т/с (168-қисм)
16.50 «Бизнес-промо»
17.00 «Хазина» теле-шоу викторинаси
18.00 «Янги авлод» студияси намоиш этади
18.10 Мультфильм
18.30 «Шерлок Холмс» т/с (12-қисм)
19.00 «Музыка вақти» дастури
